

"Бир макон, бир йўл" халқаро форуми бошланди



Пекин шаҳрида "Бир макон, бир йўл" иккинчи халқаро форуми расман очилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Анжуманинни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин очиб, унда иштирок этаётган барча делегациялар раҳбарлари, кўп сонли эксперт ва таҳлилий доиралар вакилларига миннатдорлик билдириди.

Хитой Раиси БМТ, ШХТ, Европа Иттифоқи, Евроосиё иқтисодий иттифоқи каби халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Бир макон, бир йўл" лойихаси турли мамлакатларнинг миллий тараққиёт стратегиясига мос келишини, шу жиҳатдан бутун дунёда иқтисодий ривожланишга кенг йўл очишини таъкидлади.

Форумнинг очилишида халқаро савдо ва инвестиция алоқаларини мустаҳкамлаш, янги транспорт ва логистика йўлаклари яратилишини раббатлантириш бўйича амалга ошириладиган лойихалар хусусида сўз юритилди. Ушбу лойихада иштирок этаётган мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани, бу дунёда барқарор ривожланишга интилиш кучаяётганини ифода этиши таъкидланди.

Маълумки, "Бир макон, бир йўл" халқаро форуми илк бор 2017 йилда ўтказилган. Хитой илгари сурган мазкур ташабbus икки йўналиш - қуруқлик ва денгиз йўлларини ривожлантириш ва ўзаро боғлаш орқали давлатлараро ҳамкорлик механизmlарини мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳозирда у Осиё, Европа ва Африкадаги 65 мамлакатни қамраб олган. Келгусида унга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши натижасида глобал иқтисодий маконга айланади.

Бу галги форумда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, узоқ муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топиш борасидаги шерикликни фаоллаштириш, "яшил" иқтисодиёт ва инновацияларни илгари суриш, устувор инфратузилмавий лойихаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Форум икки кун давом этади. Унда Ўзбекистон Президентининг нутқ сўзлаши ҳам режалаштирилган.